

ҚАРИШ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМНҲ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
РБД.0.У/30.12.2019.ҒН 70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРИШ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА НИГОРА БАХРОМОВНА

СИНТАГМА ВА УНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ
(ўзбек тили материали асосида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТАТИ БУИИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РБД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

УЎК 414+413.0(048)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертация
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences

Махмудова Нигора Бахромовна
Синтагма ва унинг нутқий воқеланиши (ўзбек тили материали асосида)..... 5

Махмудова Нигора Бахромовна
Синтагма и её речевая реализация (на основе материала узбекского языка)..... 23

Mahmudova Nigora Bakhromovna
Syntagma and its speech implementation (based of the material Uzbek Language)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

ҚАРИШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fin 70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРИШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲМУДОВА НИГОРА БАХРОМОВНА

СИНТАГМА ВА УНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ
(ўзбек тили материали асосида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil1031** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qardu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Турниязов Нигъмат Каюмович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор
Қурбонова Муҳаббат Матқубовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "14" сентябр соат 15 дақиқа мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кўчаси 17). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Қарши давлат университети, Педагогика факультети биноси, 301 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.).

Диссертация автореферати 2021 йил "12" сентябр кўни тарқатилди.
(2021 йил "12" сентябр кўни 14-рақамли реєстр баённомаси).



Н.И. Шодмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Н. Тоғжисва
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Х. Жабборов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
филол.ф.д. профессор в.б.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё тилшунослигида тил борлиқнинг инъикоси сифатида яхлит система тарзида талқин этилиб, уни ташкил этувчи унсурларнинг умумий ва хусусий белгиларини юзага чиқаришга интилиш кучаймоқда. Дарҳақиқат, система тушунчаси тилнинг бутун материал бойлигини қамраб оладики, бу орқали тил нималардан ташкил топганлиги ҳақида муқаммал маълумот олиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Синтагмастик муносабат жараёнида вужудга келадиган синтагманинг фонетик ходиса сифатида қаралиши масала моҳиятини чингаллаштириб, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шунга қўра синтагмани сўз, сўз бирикмаси, гап ҳамда мураккаб синтактик қурилма доирасида қўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигида синтагмастик муносабат ва синтагма тушунчасининг баҳсли масалаларини аниқлаш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, синтагмани тилнинг қаида икки бирлиги муносабатидан ташкил топишини аниқлаш, синтагмани ички ва ташқи сингари гуруҳларга бўлиб чиқиб бериш, аффиксация ҳамда композиция усулида ясалган сўзлар, турғун сўз бирикмалари компонентларининг синтагмастик муносабатини ишлаб чиқиш, унинг моҳиятини синтактик сатҳ нуктаи назаридан атрофлича ёритишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида синтагмани синтактик ходиса сифатида талқин этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, сўз қолипидаги синтагмаларда ўзак ва аффикс морфемалар катнашиши боис, поғонали муносабат морфемалар билан сўз ўртасида воқеланиши, сўз бирикмалари қолипидаги синтагмаларда, гап қолипидаги синтагмаларда эса сўз билан бирикма, сўз билан гап ўртасида содир бўлиши изоҳлаб берилди. "Таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш" алоҳида таъкидланган¹. Жумладан, синтагма фонетик ходиса ҳам, стилистик ходиса ҳам эмаслигини кўрсатиб бериш, нафақат синтагмани, балки нутқнинг барча бирликларини фонетик жиҳатдан аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 05 июндаги ПҚ-3775-сон "Олий таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони// Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўғрисида. – Тошкент, 2017. – Б.39.

муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар туғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда акс этган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, синтагматик муносабат ва синтагма тушунчаси жаҳон тилшунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Жумладан, таникли тилшунослар Ф.де Соссюр, Г. Смирнова, Ш. Балли, С. Карцевский, А. Холодович, И. Мешчанинов, Н. Трубецкой, В. Виноградов, Л. Теньер, А. Реформатский, Л. Столяров, Л. Шчерба, Е. Шутова, А. Ғуломов, Ф. Абдуллаев, Н. Турниёзов ва бошқалар синтагманинг ўзига хос хусусиятларини турли мезонлар асосида таҳлил қилишган. Бунда, айниқса, тилшунослардан Ф.де Соссюр, Г. Смирнова, Ш. Балли, С. Карцевский, И. Мешчанинов, А. Реформатский, Н. Турниёзов каби олимларнинг ишлари диққатга сазовордир.²

Ф.де Соссюр синтагмани тилнинг камида икки бирлиги муносабатидан ташкил топишини алоҳида таъкидлайди. Г. Смирнова минимал тил бирликларининг боғланишини синтагма деб билади. Бунга мисол қилиб морфемаларнинг ўзаро муносабатини келтиришимиз мумкин. Ш. Балли синтагма компонентлари эркин позицияда бўлишини ва шу боис, уларнинг ўринларини алмаштириш мумкинлигини қайд этади. С. Карцевский синтагмани ички ва ташқи сингари гуруҳларга бўлиб ўрганади. И. Мешчанинов синтагманинг синтактик ҳодиса эканлигини туғри таъкидлайди ва у синтагмани синтактик гуруҳ деб атайди. А. Реформатский синтагманинг барча турлари ҳақида маълумот бериб, эргаш гапли қўшма гапларнинг макросинтагма эканлигини таъкидлайди. Н. Турниёзов синтагма хусусида мулоҳаза юритар экан, дастлаб сўз синтаксиси ҳақида анча кенг маълумот беради ва аффиксация ҳамда композиция усулида ясалган сўзлар, турғун сўз бирикмалари компонентларининг синтагматик муносабати туғрисида тўхталади.

Юқорида номлари тилга олинган олимлар томонидан синтагма тушунчаси кенг ўрганилган бўлса-да, аммо ҳали тилшуносликда мазкур тушунчанинг айрим қирралари очиб берилганича йўқ. Масалан, тенг компонентли сўз бирикмалари ёки паратактик ҳамда гипотактик қурилмаларнинг синтагма мақомида келиши таҳлили бунга мисол бўлиши мумкин. Ўз

² Спелсер Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: 1977; Смирнова Г. Операторное порождение слов на основе аппликативной грамматики//Проблемы структурной лингвистики. – М.: 1972; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: 1955; Карцевский И. Повторительный курс русского языка. – М. – Л.: 1928; Мешчанинов И. Синтаксические группы// Вопросы языкознания. – М.: 1958 №3; Реформатский А. Введение в языковедение. – М.: 1967; Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд. 1998.

навбатида, бундай тушунчалар синтактик йўналишнинг текширув объекти сифатида ўз ечимини кутмоқда. Бундай масалалар талқинига эса фанимиз тараққиётининг ҳозирги даврида катта зарурат сезилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тили бирликларининг функционал прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)” мавзуси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги ўзбек тилида микро- ва макросинтагмаларнинг деривацион шаклларини очиб бериш ҳамда уларнинг синтактик йўналишдаги ўзига хос хусусиятларини далиллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

синтагманинг фонетик ҳодиса эмаслигини, балки синтактик ҳодиса эканлигини, контекстда қандай сегментларга бўлинишини аниқлаш;

гарчи синтагма ҳосил бўлмаса-да, фонемаларнинг ўзаро аплицитлигидан синтагматик муносабат юз беришини таҳлил этиш;

синтагма ҳосил бўлишида тил элементларининг иерархик муносабат қонуниятига амал қилишини, автоном характерли эканлигини изоҳлаш;

синтагмани таҳлил қилишда тилшуносликнинг синтаксис бўлимини сўз бирикмаси синтаксисидан эмас, балки сўз синтаксисидан бошлаш зарур эканлигини исботлаш;

синтагманинг фақат аниқловчи+аниқланмиш моделида эмас, балки субъект+харакат, тулдирувчи+харакат, хол+харакат каби моделларда ҳам шаклланиши мумкинлигини исботлаш;

макросинтагмаларнинг паратактик ҳамда гипотактик қурилмалар мақомида келишини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек адабларининг бадий асарларидаги матнлар танланган ҳамда шу матнлардаги синтагмалар олинган.

Тадқиқот предмети синтактик деривация назарияси асослари, компонентлари деривацияси апликатив моделга таянувчи микро- ва макросинтагмаларнинг тилда ҳамда нутқда шаклланишида операнд ҳамда операторларнинг ўзаро муносабати, синтагма синтаксиси муаммолари ечими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда деривация, апликация ва БИ (бевосита иштирокчилар) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

синтагма ҳар доим бири иккинчисидан кейин келувчи икки бирликдан иборат бўлганлиги, унинг компонентлари, яъни аниқловчи – аниқланмиш модели асосида боғланганлиги сабабли унинг фонетик ҳодиса эмас, балки синтактик ҳодиса эканлиги илмий манбаларга кўра асосланган;

фонеманинг ўзаро бирикуви синтагматик муносабат қонуниятига бўйсунishi, сўзларнинг ўзаро тенг боғланиши ҳам сўз бирикмаси сифатида қаралиши, улар “кичик синтаксис” объекти эканлиги сабабли синтагма мақомида кела оlinishi далилланган;

сўз бирикмаси гап билан бир вақтнинг ўзида воқе топганлиги, улар гап тасарруфида деривацион жиҳатдан кенгайиб микрокатеналарни ташкил этганлиги учун паратактик (тенг компонентли сўз бирикмалари) ва гипотактик (тобе компонентли сўз бирикмалари) қурилмалар макросинтагмага доир эканлиги очиб берилган;

синтагма компонентлари аниқловчи – аниқланмиш моделдан ташқари тулдирувчи – ҳаракат, объект – субъект, объект – ҳаракат, объект – ҳолат каби моделларда ҳам синтагматик муносабатда бўлганлиги учун синтагмани дериватив жиҳатдан таҳлил қилгандагина акс этиши ва бунда синтагма операнди ва операторларининг синтактик алоқаси муҳим аҳамият касб этиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

аниқловчи-аниқланмиш модели ясама сўз материалидаги синтагмаларда ҳам, сўз бирикмаси ва гап материалидаги синтагмаларда ҳам устувор маркер эканлиги очиб берилган;

синтагма ҳар доим ҳам нутқни шакллантирмаслиги, аксинча, шаклланган нутқда синтагма мавжуд бўлиши асосланган;

тил бирликларининг синтагматик муносабатлари ҳеч бўлмаганда *бином* ҳолатда юз бериши, аммо кўпинча *полиномлик* касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида таҳлилга тортилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг вақолатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ва замонавий илмий методлари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тилшунослиги синтагма ва унинг нутқий воқеланиши ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитиши, ундан олинган муҳим илмий хулосалар ва умумлашмалар келгусида тил назариясига доир яратиладиган янги илмий ишларнинг вужудга келишида назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юрklarининг филология факультетларида, филологик йўналишдаги институтларда тил назарияси, тилшунослик, ўзбек тили грамматикаси фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш ҳамда шу фанлардан маърузалар ўқиш, амалий, семинар машғулотлари олиб бориш, махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синтагма ва унинг нутқий воқеланишининг асосларини ишлаб чиқиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

синтагманиннг синтактик ҳодиса эканлиги, унинг компонентлари, яъни аниқловчи – аниқланмиш модели асосидаги боғланиши орқали асосланганлигига

доир илмий хулосаларидан ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 20 сентябрдаги 17-01/216-сон маълумотномаси). Натижада синтагма ҳосил бўлишида тил элементларининг иерархик муносабат қонуниятига амал қилишини ва унинг автоном характерли эканлигини изоҳлаш, синтагманиннг фақат аниқловчи+аниқланмиш моделида эмас, балки субъект+ҳаракат, тулдирувчи+ҳаракат, ҳол+ҳаракат каби моделларда ҳам шаклланиши мумкинлигини исботлаш имконини берган;

фонемаларнинг ўзаро бирикуви синтагматик муносабат қонуниятига бўйсунуши, сўзларнинг ўзаро тенг боғланиши ҳам сўз бирикмаси сифатида қаралиб, уларнинг синтагма мақомида келишига доир илмий хулосаларидан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ накл – мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 20 сентябрдаги 17-01/216-сон маълумотномаси). Натижада синтагманиннг синтактик ҳодиса эканлигини далиллаш, гарчи синтагма ҳосил бўлмаса-да, фонемаларнинг ўзаро аплицитлигидан синтагматик муносабат юз беришини таҳлил этиш имконини берган;

микро- ва макросинтагмалар шаклланишининг хусусиятларини белгилаш бўйича тушланган материаллар асосида синтагманиннг синтактик ҳодиса эканлигини далиллаш, синтагмани таҳлил қилишда тишшуносликнинг синтаксис бўлимини сўз бирикмаси синтаксисидан эмас, балки сўз синтаксисидан бошлаш зарурлиги, мураккаб синтактик қурилмалар мақомида келишини далиллаш каби хусусиятлари очиб берилган маълумотлардан “Диёр янгиликлари” дастури ва “Файзли кун” мусиқий дам олиш дастурларининг сценарийларини тафёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 сентябрдаги 8/9-сон маълумотномаси). Натижада курсатув ва элиттиришлар мазмунининг маърифий ва амалий жиҳатдан бойиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Синтагма тушунчаси ва унинг тилшуносликда ўрганилиши ҳолати” деб номланиб, унда синтагматик муносабат ва синтагма тушунчасининг жаҳонва ўзбек тилшунослигида ўрганилиши таҳлил қилинган. Мазкур бобда мавзу доирасида тадқиқот ишлари олиб борган жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган ҳамда уларнинг ҳар бирига муносабат билдирилган.

Биринчи бобнинг биринчи бўлими “Жаҳон тилшунослигида синтагма тушунчаси ва унинг ўрганилиши” деб номланади. Синтагма тушунчаси ўзининг лингвистик мақомини дастлаб минимал тил бирликларининг боғланишида кўради. Бунга ясама сўз сатҳидаги морфемаларнинг ўзаро боғланиши мисол бўлиши мумкин, зотан бунда тил бирликларининг синтагматик (айни пайтда микросинтагматик) муносабатини кўрамиз. Бироқ ҳар қандай синтагматик боғланиш ҳам синтагма мақомида бўлмайди. Масалан, горизонтал чизикда морфема ёхуд сўз сатҳидаги фонемаларнинг синтагматик муносабатидан синтагма шаклланмайди. Зеро, синтагма икки ўлчамли бўлиб, унда ифодаловчи ва ифодаланувчи (означающее, означаемое) муносабати муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, фонемаларнинг синтагматик муносабатидан морфема ёхуд сўз шаклланганда ҳам ифодаловчи ва ифодаланувчи тушунчалари вокеланади. Бироқ муайян морфема ёки сўз сатҳида фонемалар муносабатинигина кўрамиз. Албатта, ясама сўзнинг йуриғи бошқа. Чунки бунда морфемалар муносабати вокеланади.

Синтагма тушунчасини илмий истеъмолга дастлаб *Ф. де Соссюр киритган эди. Олим ўзининг “Умумий тилшунослик курси”нинг бешинчи бобини “Синтагматик муносабатлар ва ассоциатив муносабатлар” деб номлайди ва бунда энг аввал синтагманинг илмий шарҳини беради: “...сўзлар нутқда бир-бирлари билан боғланиш жараёнида ўзаро муносабатга киришади. Аммо айна пайтда икки элементни бир вақтнинг ўзида талаффуз этилиши имкони бўлмайди. Мазкур элементлар нутқ оқимида бири иккинчисидан кейин келади. Бундай узвийликка эга бўлган бирикмаларни *синтагма* деб атаймиз. ... синтагма ҳар доим кам деганда бири иккинчисидан кейин келувчи икки бирликдан иборат булади (масалан, *re -lire* “қайта ўқимок”, *contre tous* “барчага қарши”, *lavie hymaine* “инсоний ҳаёт”, *s'il fait*

beau temps, nous sortirons “агар ҳаво яхши бўлса, биз сайрга чиқамиз” ва бошқалар”³.

Куринадики, Соссюр синтагмани тилнинг камида икки бирлиги муносабатидан ташкил топишини алоҳида таъкидлайди ва уни синтагматик муносабат маҳсули деб билади. Бундан ташқари, унинг таълимотида синтагманинг ифода материали нималардан иборат бўлиши лозимлиги ҳам аниқ кўрсатиб берилганини (ясама сўз, сўз бирикмаси қолипидаги ифода, гап, шу жумладан, қўшма гап ҳам) алоҳида қайд этиш лозим.

А.А. Реформатский синтагманинг барча турлари ҳақида атрофлича маълумот беради. Айниқса унинг *морозит* тарзидаги бир сўзли гапнинг синтагма мақоми ҳақидаги фикри ибратлидир. Бунда *морозит* сўзи *мороз* тарзидаги асосга таянувчи аниқланмиш сифатида келмоқда. Сўзнинг (гапнинг) *мороз* қисми аниқловчи вазифасида бўлиб, бу вазифани бажариш учун – *ит* қўшимчасига асосланмоқда. Бундай синтагмаларни А.А.Реформатский яширин синтагма деб атайди⁴.

А.А. Реформатский энг катта ҳажмли синтагма сифатида эргаш гапли қўшма гапларни кўрсатади. Бундай гапларда тобе қисм аниқловчи, ҳокимқисм эса аниқланмиш вазифасида келиши таъкидланади⁵. Бизнингча, бундай фикрга қўшилиш мумкин. Чунки қўшма гапнинг тобе қисми бош гапни аниқлаш, тўлдириш учун шаклланади.

Таникли тилшунос Л.В. Шчерба таълимотида синтагма фонетик ҳодиса сифатида талқин этилади. Аниқроғи, бунда мазкур ҳодисанинг лингвистик мақоми аниқ қилиб белгиланмайди. Чунки олим ўз таълимотининг баъзи ўринларида уни синтактик бирлик деб атаган ҳолатларни ҳам кузатамиз.

Л.В. Шчербанинг синтагма ҳақидаги таълимотида дастлаб куйидаги мулоҳазалар қузатилади: “...нутқ жараёнида муайян маъно яхлитлигини ифодаловчи фонетик бирлик бўлиб, у бир ёки бир неча ритмик гуруҳдан ташкил топиши мумкин. ...Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир синтагмадан кейин пауза бўлиши ва нафас чиқарилиши мумкин, аммо зарурий эмас”⁶.

Куринадаки, бундан ташқари, унинг таъкидлашига кўра, синтагма шаклланишида интонациянинг ҳам мавқеи юқори булади. Интонация воситасида синтагмалар гуруҳланиб, тугал фикр аниқлаувчи фраза ташкил топади⁷.

А.А. Реформатский Л.В. Шчербанинг мазкур фикрига эътироз билдиради ва айна пайтда қандай маънода фраза тугал фикр аниқлавиши мумкин ва умуман, фразани қайси маънода (фонетик, грамматик, семантик) тугалланган бутунлик тарзида тушуниш мумкин, деган фикрни қайд этади. Бундан ташқари, А.А.Реформатский интонацияни синтактик ҳодиса деб билмайди, зотан, сўз бирикмасининг интонация билан умуман алоқаси йўқ. Гап эса

³Ф. де Соссюрнинг мазкур асарини Ш.Баллиш ва А.Сешелар томонидан унинг вафотидан кейин нашрга таърирланган.

⁴Соссюр Ф. де. Труды по языку знания. – М., 1977. – С.155.

⁵Реформатский А.А. Уша асар. – Б. 326.

⁶Виноградов В.В. Курс грамматик асар. – Б. 99.

⁷Шчерба Л.В. Фонетика французского языка. – Л., 1939. –С. 81-82.

⁸Шчерба Л.В. Уша асар. – Б. 82.

интонацияга дахлдор. Бироқ туғридан-туғри эмас, у фраза оркали интонация билан алокага киришади⁸.

А.А. Реформатский Л.В. Шчербанинг синтагмани ритмик гуруҳ, нафас олиш гуруҳи, интонацион бутунлик тарзида изоҳлашига қўшилмайди ва Ф.де Соссюр, Ш. Балли, С.И. Карцевский каби олимлар фикрларини Л.В. Шчерба ҳисобга олмаганини таъкидлайди⁹.

Шуни ҳам айтиш керакки, В.В.Виноградов Л.В.Шчербанинг синтагма хусусидаги фикрини маъқуллайди. Олимнинг бу ҳақда айтилган куйидаги мулоҳазалари фикримиз далили булиши мумкин: “Совет тилшунослари риоя қилишлари лозим бўлган синтагма ҳақидаги бирдан-бир таълимот Л.В.Шчерба асослаб берган таълимотдир”¹⁰.

Айни пайтда В.В.Виноградовнинг фикрига қўшилиш қийин қўрилади. Чунки тилшунослик фани хусусийлик белгиларидан ташқари умумий белгиларга ҳам эга. Муайян лингвистик назариялар барча учун бир хилда хизмат қилади. В.В. Виноградов Ф.де Соссюрнинг синтагма ҳақидаги фикри билан умуман ҳисоблашмайди¹¹.

Синтагма хусусида Е.И. Шутованинг тадқиқот ишларида ҳам мукамал маълумот берилди. Е.И. Шутованинг фикрига қўра, гап таркибида сўзлар муайян қоидалар асосида бир-бири билан боғланган бўлади. Мазкур қоидаларни куйидагиларда қўрамиз: 1) мазмуний яхлитлик; 2) бутуннинг қисмларда намоён бўлиши; 3) муайян сўз туркумларининг истеъмолга киритилиши; 4) синтактик боғланишнинг вужудга келиши; 5) бутуннинг қисмлар ўртасида у ёки бу тарздаги боғланиш усулларининг воқеланиши. Сўзларнинг бундай ўзаро муносабатга киришуви фанда турлича терминлар билан номланади¹².

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «Ўзбек тилшунослигида синтагма тушунчаси ва унинг ўрганилиши» деб номланади. Синтагма тушунчаси ўзбек тилшунослигида ҳам озми-кўпми ўрганилган. Хусусан, А.Ғуломов бу ҳақда дастлаб маълумот берган тилшунослардандир. Мазкур ҳодисани олим куйидагича тавсифлайди: “Гапнинг структура ва мазмун жиҳатдан бир бутун бўлган группалари, парчалари талаффузда қисқа пауза билан ажралиб туради. Бундай группалар синтагма саналади. ...Ҳар бир синтагма бир ҳаво чиқариш билан – бир нафас кучи билан айтилади, сўнг орада қисқа пауза бўлиб, бошқа синтагма бошланади”¹³.

Ф.Абдуллаевнинг қарашлари синтагма синтактик бирлик деб эътироф этилади. Бироқ муаллиф юқорида қўриб ўтганимиз сингари, синтагманинг фонетик хусусиятларига урғу беради¹⁴. Олим синтагмани сўз бирикмаси қолипида келиши мумкинлигини инкор этади. Аммо шундай бўлса ҳам

синтагманинг тобеланиш йўли билан бириккан тури сўз бирикмаси бобда ўрганилиши айтилади.

С.Махматқулов ўзбек тили предикатив синтагманинг трансформацияси ҳақида мулоҳаза юритганида, асосан, гап шаклидаги синтагмаларга тўхталади. Олим гап ва бирикма тушунчаларини қамраб олувчи термин сифатида Ш. Раҳматуллаев “боғланма” терминидан, А. Ғуломов эса “қўшилма” терминидан фойдаланганини эслатиб ўтиб, мазкур терминларнинг ҳар иккисидан ҳам маълум даражада нуқсон борлигини қайд этади ва шу боис “синтагма” терминидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди¹⁵. С. Махматқулов предикатив синтагма гап таркибида туғридан – туғри бирор синтактик бўлак вазифасида кела олмаслигини қайд этади. Бироқ шу билан бирга, предикатив синтагмага булиб келиши ҳақида фикр билдирилади. Аниқроғи, бундай синтагма гапнинг предикатив асоси сифатида келиши эслатилади. Қўринадикки, С.Махматқулов синтагманинг том маънода гап вазифасида келиши мумкинлигини эътироф этмайди. Ваҳоланки, синтагма тўлақонли гап қолипида ҳам шаклланади.

Н.Турниёзов ва Х.Хайруллаевлар синтагмани синтактик ҳодиса сифатида талқин этадилар. Уларнинг “Синтактик муносабат ва синтактик структуралар” деб номланувчи ишларида бу ҳақда куйидагилар қайд этилади: “Синтагма ҳақида мулоҳаза юритганда шунга аҳамият бермоқ керакки, у икки ва ундан ортик сўзнинг ўзаро бирикишидан ташқил топганда шаклан сўз бирикмаси билан бир хил бўлиши мумкин. Айниқса, отли бирикмаларнинг аниқловчи-аниқланмиш моделида келиши синтагма билан сўз бирикмаларини муштарак қолипга солиб қўяди. Бизнингча, бундай ҳолат масала тавсифини чигаллаштирамайди. Чунки синтагма ҳам сўз бирикмаси ҳам синтагматик қатор маҳсулидир. Айни пайтда улар кесишади, холос. Лекин синтагманинг бир сўз билан ифодаланиши, гап қолипида келиши ва ҳатто мураккаб синтактик қурилма қолипида воқеланиши уни сўз бирикмаларидан кескин фарқлайди”¹⁶. Мазкур ишда Н.Турниёзов ва Х.Хайруллаевлар синтагма сатҳида рўй берувчи тил бирикларининг поғонали муносабати ҳақида ҳам мукамал маълумот берадилар. Бунда сўз қолипидаги синтагмаларда ўзак ва аффикс морфемалар катнашиши боис, поғонали муносабат морфемалар билан сўз ўртасида воқеланиши, сўз бирикмалари қолипидаги синтагмаларда, гап қолипидаги синтагмаларда эса сўз билан бирикма, сўз билан гап ўртасида содир бўлиши изоҳлаб берилди. Дарҳақиқат, синтагма синтагматик қатор маҳсули саналади. Ҳатто унинг ўзак+аффикс қўрилишидаги ички синтагмалар ҳам синтагматик қаторда деривацион йўналиш олади. Бизнингча, бу нафақат синтагма шаклланиши учун, балки тил бирикларининг нутққа кучирилиши учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Сўз моделидаги синтагманинг деривацион хусусияти” деб номланган. Ушбу бобда фонемалар ўртасидаги

⁸ Реформатский А.А. Фонологические этюды. – М., 1975. – С. 20.

⁹ Реформатский А.А. Уша асар, уша бет.

¹⁰ Виноградов В.В. Қўрсатилган асар. – Б. 108.

¹¹ Виноградов В.В. Уша асар. – Б. 90.

¹² Шутова Е.И. Вопросы теории синтаксиса. – М., 1984. – С. 48-49.

¹³ Ғуломов А., Асқоров М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1987. – Б. 23.

¹⁴ Абдуллаев Ф. Сўз бирикмалари// Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент, 1976. – Б. 25.

¹⁵ Махматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси. – Тошкент, 1998. – Б. 28-29.

¹⁶ Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент, 2009. – Б. 47.

синтагматик муносабат ҳамда сўз моделидаги синтагмалар хусусида батафсил маълумот берилган. Бунда тилшуносликнинг кичик синтаксис соҳасининг ўрганиш объекти нималардан иборат эканлиги изоҳланган.

Иккинчи бобнинг биринчи бўлими “Фонемаларнинг микросинтагматик муносабати” деб номланади. Фонема лингвистик жиҳатдан қисмларга бўлинмайдиган тилнинг энг кичик бирлигидир. Лекин у инсон нутқини шакллантирувчи минимал бирлик сифатида ўз амплитудаси ва частотасига эга. Шундай экан, унинг талаффузда бошланишининг дастлабки нуқтаси, ўртаси (кульминацияси) ва якуни мавжуд. Шунга кўра, фонемани овоз тўлқини жиҳатидан ўзгартириб турувчи қисмларга ажратиш мумкин, деб ўйлаймиз. Бу, албатта, сўзловчининг нутқий жараёнда нутқ товушларини талаффуз этиши билан боғлиқ масала бўлиб, бунда муайян товушнинг нутқий оқимдан ажратиб талаффуз этилиши амплитудасидан унинг нутқ оқимидаги ҳолати амплитудаси фарқ қилади. Зеро, нутқий вазиятда маълум бир фонеманинг узунлиги ва қисқалиги, кучи, сифати бир хил бўлмайди. Шу асосда, ҳар бир фонема талаффуз этилаётган вақти фазасида куйидаги қисмларга бўлинади:

а) старт жараёни;

б) унинг айнан қанақа фонема эканлигини белгиловчи овоз ёки шовқин чўққиси;

в) рекурсия ҳолати (овоз ёки шовқиннинг тугаши)¹⁷.

Бироқ бу тушунчани тил бирликларининг бинар боғланиши ва уларнинг қисмларга ажралиши билан қиёсламоқчи эмасмиз, албатта. Чунки фонеманинг маълум бир вақт ичида талаффуз этилиши жиҳатидан қисмларга бўлиниши унинг акустикаси ва артикуляциясига боғлиқдир. Мазкур вазиятда тил бирликларининг ўзаро синтагматик муносабати ўрганилмаса-да, бундай жараён таҳлили ҳам анча муҳим масала ҳисобланади. Зеро, фонемаларнинг форманта (фонеманинг акустик характеристикасини ифодаловчи термин) частотаси, спектрда форманталарнинг амплитуда интенсивлиги нутқ товушларини тасниф қилишга асос бўла олади¹⁸.

Бу ҳақда А.А. Абдуазизов куйидагиларни ёзади: “Ўзбек адабий тили унлиларининг алоҳида талаффузи “Кўринувчи нутқ” спектрографида акустик таҳлил қилинди. Натижада унлиларнинг форманта частотаси, спектрда форманталарнинг амплитуда интенсивлиги, гармоник тебраниш ва 2,4 секундгача бўлган чўзқичлик аниқланди. Унлиларнинг акустик кўрсаткичи учун, асосан, уч форманта кўрсаткичи (F_1 , F_2 , F_3) етарлидир. Бу, одатда, «параметр» (*параметр* — грекча παραμετρῆο — “ўлчов”) деб юритилади. Асосий параметрлар куйидагича: а) қатор белгисини кўрсатувчи $F_3=F_2:F_1$; б) оғзининг очилиш даражасини ва тилнинг кўтарилишини аниқловчи $F_2=F_3:F_1$; в) лабланганлик ва лабланмаганликни кўрсатувчи $F_3=F_1:F_2$. Бу параметрлар форманталарнинг юқори, ўрта ва пастки частотаси, спектрда энергиянинг қандай тақсимланиши билан белгиланади. Спектрал таҳлили

¹⁷ Моргунов А. Математическая модель фонемы человеческого голоса // <https://habr.com/ru/post/427813> (Sahifadan 10.04.2021 dafoydalanildi).

¹⁸ Фант Г. Акустическая теория речеобразования. — М.: Наука. 1964. — С. 225-231.

мавжуд ҳар икки таснифда ҳам ўзбек адабий тили унлиларини тилнинг кўтарилиши даражасига ва лабнинг ҳолатига кўра тўғри изоҳланганини яна бир бор тасдиқ этади¹⁹. Юқорида тилга олганимиз бинар боғланишда тилнинг икки мустақил элементининг ўзаро муносабатини кузатамиз. Бу эса, ўз навбатида, синтактик боғланишнинг асосий шартларидан бири эканлигидан далолат беради. Жумладан, икки ёки ундан ортик фонеманинг нутқ оқимида маълум мақсад учун амалга ошираётган муносабатини ҳам бинарлик, деб айта оламиз. Албатта, ҳар қандай бинарлик апликатив модел қоидаси асосида амалга ошади. Фонемаларнинг бинарлигида нутқ товушлари фонематик сатҳни тарқ этиб, морфематик сатҳда алоқага киришади. Мазкур алоқа горизонтал чизиқда амалга ошганлиги боис уни микросинтагматик муносабат деб биламиз. Микросинтагматик муносабат фонемаларга тааллуқли бўлганида, уни морфема ёки сўз сатҳида кузатамиз. Масалан, *қалам+ни, дафтар+га* сўзларидаги фонемаларнинг синтагматик муносабати ўзак ва аффикс морфемаларда ҳам, умумий сўз тасарруфида ҳам амалга ошаётгани изоҳ талаб этмайди: *қ-а-л-а-м-н-и, д-а-ф-т-а-р-г-а* каби.

Синтагматик муносабат маҳсули ўлароқ синтагма вужудга келади, бироқ фонемалар маъно ифодаси билан боғланмаганлиги сабабли, уларнинг микросинтагматик муносабатидан синтагма шаклланимайди. Фонемалар ўзаро синтагма ҳосил қила олмаса-да, катта ва кичик синтагмаларнинг шаклланиши учун асосий элемент сифатида фаолият юритади. Жумладан, сўз, сўз бирикмаси ва гап моделидаги синтагмаларнинг шаклланиши фонемаларнинг микросинтагматик муносабати асосида амалга ошади. Фонемалар тилнинг фонологик тизимидан ўрин олади. Фонологик тизим ўзининг маълум бир алоқа-муносабатлари билан боғланган фонемаларни йиғиндисини ташкил этади. Фонема тушунчаси позицион ўзгарувчанликка таянади ва ўзига хос фонетик система маҳсули саналади.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими “Сўз моделидаги синтагмаларнинг лингвистик табиати ҳамда уларнинг синтактик деривацияси” деб номланиб, айни пайтда ясама сўзларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги синтагматик муносабат изоҳланади. Микросинтагматик муносабат ясама сўзлар таркибида қўлланувчи морфемаларнинг ўзаро боғланишида муҳим аҳамият касб этади. Бунда нафақат ўзак ва аффикс морфеманинг синтагматик боғланиши, балки аффикс морфемаларнинг ҳам ўзаро муносабатга киришувини кўрамыз: *тинчлик*.

Мазкур ясама сўзда учта морфема муносабатга киришмоқда: *тин* (ўзак морфема) + *-ч* (аффикс морфема) + *-лик* (аффикс морфема). Албатта, берилган сўз тил бирлиги бўлиб, морфологик белгисига кўра от туркумига мансубдир. Бизнингча, айнан ана шу нарса илмий мушоҳада юритишамиз учун асос бўла олади. Бошқача айтганда, бу ўринда биз морфология сатҳида синтактик муносабат тугилаётганини кўрамыз. Зотан, бир сўз таркибида тилнинг уч бириги синтагматик қатор бўйлаб (горизонтал чизиқда) бири-бири билан муносабатга киришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, морфология

¹⁹ Абдуазизов А.А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. — Тошкент: Уқитувчи, 1992. —Б. 47-48.

ичида синтактик боғланиш туғилаётганидан далолат беради. Н.Қ.Турниёзовнинг таъкидлашига кўра, айнан ана шундай ҳолатни микросинтагматик муносабат деб аташ мумкин²⁰. Ясама сўзларда катта синтаксисда кузатиладиган синтактик муносабатни кузата оламиз. Масалан, *ишчи, ошпаз, соатсоз* сўзларида морфемалар муносабатига аҳамият берсак, катта синтаксис учун характерли бўлган субъект, объект ва ҳаракат (предикат) муносабатларини кўрамиз: *иш* – объект, *чи* – субъект (ижрочи). Бироқ объект билан ижрочи ўз-ўзидан муносабатга кириша олмайди. Бунинг учун ҳаракат аралашмоғи лозим бўлади. Айни пайтда ишламок сўзининг мазмуний ифодаси яширин ҳолатда келмоқда. *Ошпаз, соатсоз* ясама сўзларида ҳам шу тарздаги семантик-синтактик боғланишни кузатамиз.

Шуни унутмаслик керакки, синтагматик алоқа тушунчасига муносабат билдирилганида, Ф.де Соссюр таълимотига таяниш лозим кўрилади. Зеро, Ф.де Соссюр назариясида сўзнинг таркибий қисмлари, икки сўзнинг ўзаро муносабати, гапни ташкил этувчи компонентларнинг (тил белгиларининг) аниқловчи ва аниқланмиш моделидаги конструкциясигина синтагма бўла олиши аниқ айтилади. Аммо кейинги йилларда сўзларнинг ўзаро тенг боғланиши ҳам синтагматик муносабатнинг бир кўриниши, деб фикр билдирилмоқда. Майли, тенг боғланишни ҳам синтагматик алоқа, деб айта қолайлик. Зеро, бунда ҳам тил белгилари ўзаро горизонтал чизикли йўналишда воқеланади. Лекин фонемаларнинг апплицид бирикиши аниқловчи ва аниқланмиш тушунчасини бермайди-ку. Бундан ташқари, улар тил белгиси ҳам эмас. Фонемалар конструкцияси морфемани, сўзни шакллантиради, холос. Ана шулар замирида синтагма ҳосил бўлади. Сўз компонентлари (морфемалар) нутқдан ташқарида ўзаро боғланганида эса парадигматик катор сатҳидан ўрин олади. Демак, синтагмани нутқни шакллантирувчи восита, деб айта олмаймиз. Сўз бирикмаси моделидаги синтагмалар ҳам воқеланган нутқда намоён бўлади.

Учинчи боб “**Макросинтагма тавсифи**” деб номланган бўлиб, унда макросинтагма сифатида паратактик ва гипотактик қурилмалар мақомидаги синтагмалар тавсифи ёритилади. Лекин макросинтагма хусусида фикр билдиришдан аввал у билан бирга воқеланадиган сўз бирикмаси моделидаги синтагма ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Учинчи бобнинг биринчи бўлими “*Сўз бирикмаси қолитидаги синтагмалар*” деб номланади. Сўз бирикмасига боғлиқ масалаларни ўрганишга бўлган кизиқиш XIX асрнинг охирига келиб қайта тикланди. Мазкур муаммо тавсифи Ф.Ф.Фортунатов ҳамда унинг шогирдлари илмий ишларининг марказини ташкил этди. Хусусан, Ф.Ф.Фортунатов синтаксисни сўз бирикмалари ҳақидаги таълимот деб ҳисоблаб, гапни сўз бирикмаларининг мажмуи сифатида ўрганди²¹. Сўз бирикмаси туғрисидаги бу каби қарашлар

²⁰ Турниёзов Н.Қ. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд: СамДҲТИ, 1998. – Б. 8.; Турниёзов Н.Қ. Сўз синтаксиси ва микросинтагматик алоқа//Зиёкор, 2003. – Б. 21-25.

²¹ Касаткин Л.Л. Московская фортунатовская школа//Большой энциклопедический словарь. Языкознание. – М.: Большая Российская энциклопедия. 1998. – С. 317.

А.М.Пешковскийнинг «Русский синтаксис в научном освещении» номли асарига ҳам ўз ифодасини топди²².

Бизнингча, синтаксис соҳасининг урганиш марказини айнан сўз бирикмаси ёки гап деб белигилаб, мазкур йўналишнинг объектини тор доира сатҳида тадқиқ этиш тўғри эмас. Зеро, бугунги кунда тилшуносликнинг синтаксис қисми кичик ва катта синтаксис тармоқларига бўлиниб, тилшуносларимиз томонидан кенг ўрганилмоқда²³. Шундай экан, тилга яхлит бир система сифатида қараб, унинг барча йўналишлари объектларини муҳим деб билишимиз лозим.

Шуни айтиш керакки, лингвистик адабиётларда, сўз бирикмаси деганда, ёлғиз тобе компонентли сўз бирикмалари тавсифи ёритилади. Бизнингча, сўзларнинг тенг муносабатда боғланиши ҳам бирикмани ташкил этади. Аммо тенг боғланишли сўзлар “*сўз қушилмаси*” термини билан аталмоқда. Бу ўринда, сўзлар боғланишининг иккала тури учун ҳам “*бирикма*” терминидан фойдаланган маъқул. Шу боис, уларни тенг компонентли ва тобе компонентли сингари турларга бўлиб ўрганса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Эркин сўз бирикмалари гипотактик ва паратактик турларга бўлиниб, гипотактик ҳамда паратактик синтагмаларни ташкил этади. Масалан: *Шоикром айвон туридаги сандал четида хомуш утирарди* (Ў.Ҳошимов. Урушнинг сўнги курбони).

Таркиб топаётган сўз бирикмалари номинативли ёки коммуникативли характер касб этиши мумкин:

- 1) хомуш утирарди – F + G_{1,2} (ҳолат + предикатли коммуникатив синтагма);
- 2) сандал(-нинг) чети – D₁ + E₁ (аниқловчи+аниқланмиш структурали номинатив синтагма);
- 3) айвон(-нинг) тури – V₁ + C₁ (аниқловчи +аниқланмиш структурали номинатив синтагма);
- 4) айвон(-нинг) туридаги сандал – V₁ + C_{1,2} + D (аниқловчи + аниқланмиш структурали номинатив синтагма);
- 5) сандал(-нинг) четида хомуш утирарди – D₁ + E_{1,2} + F + G_{1,2} (сўз бирикмалари катенасини ҳосил қилаётган объект + предикатли коммуникатив синтагма);
- 6) айвон(-нинг) туридаги сандал(-нинг) четида хомуш утирарди – V₁ + C_{1,2} + D₁ + E_{1,2} + F + G_{1,2} (макрокатенали объект + предикатли коммуникатив синтагма).

Кўриб турганимиздек, воқеланаётган гипотактик сўз бирикмалари эндоцентрик характерли бўлиб, улар структурасини ташкил этувчи бевосита иштирокчиларидан биттаси марказда турувчи ядро сифатида фаолият

²² Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М. – Л.: Государственное издательство, 1928.

²³ Йомдин Л.Л. Большие проблемы малого синтаксиса// Труды международной конференции по компьютерной лингвистике и интеллектуальным технологиям. – Протвино, 2003; Тер-Минасова С.Г., Микоян А.С. Малый синтаксис как средство разграничения стилей. – М.: МГУ, 1981; Шубина Э.Л. Вопросы малого синтаксиса в пвейцарском варианте немецкого языка//Успехи гуманитарных наук, №4. 2020; Турниёзов Н.Қ. Матн лингвистикаси. – Самарқанд: СамДҲТИ, 2004; Турниёзова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. – Тошкент: Extremum-press, 2016.

юритмоқда. Ушбу вазифани сўз бирикмаси бевосита иштирокчиларидан *утирарди, чети, тўри, сандал* каби сўзлар бажармоқда. Шундай қилиб, сўз бирикмаси моделидаги синтагмаларнинг нутқий вазиятда юзага чиқишининг гувоҳи бўламиз.

